

ОИВ инфекцияси – бу одам иммунитетни вирусини келтириб чиқарадиган касалликдир.

У организмнинг касалликлардан ҳимоя қилувчи иммун тизимини ишдан чиқаради. .


ОИВ инфекцияси - доимо дори-дармонлар қабул қилинмаса ўлимга олиб келадиган жиддий касалликдир. Агар даволанмаса, ОИВ инфекцияси бир неча йил ичида ОИТС - инсоннинг иммунитет танқислиги синдромига айланади, бунда организм соғлом одам осонликча чидайдиган касалликларга бардош бера олмайди.



Узоқ юртдаги одам, ўз турмуш тарзини ўзгартиради, бу ОИВ инфекциясини юқтириш хавфини оширади, шунинг учун ўз соғлигингизга ғамхўрлик қилишингиз муҳимдир.

ОИВ ҚАНДАЙ ЮҚАДИ?

• Презервативсиз жинсий алоқа (шерикнинг жинси, миллати, оилавий аҳволдан қатъий назар) вақтида



• ОИВ касаллиги бўлган одамнинг қони, бошқа одамнинг танасига кирганда, масалан, стерил бўлмаган асбоблар билан инъекция (уколлар) пайтида ёки гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишда.

• Ҳомиладорлик, туғиш ёки эмизиш вақтида, ОИВ инфекцияси бўлган аёлдан фарзандига.



СИЗ ҚУЙИДАГИ ҲОЛЛАРДА ОИВ ИНФЕКЦИЯСИНИ ЮҚТИРМАЙСИЗ:

- Қўл бериб саломлашиш, қучоқлашиш ва ўпишишларда
- Йўталиш ва аксиришда
- Идиш-товоқ, ошхона ускуналари, сочиқ ва чойшаблардан биргаликда фойдаланишда
- Ҳожатхона, душ, Ҳаммомга кирганда
- Биргаликда спорт билан шуғулланганда
- Ҳашоратлар чаққанда, ҳайвонлар тишлаганда.



ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎЗИНГИЗНИ ОИВ ДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН?

- Ҳар қандай шерик билан жинсий алоқа вақтида, доимо презервативдан фойдаланинг.
- Инъекцияларни фақат тиббий муассасаларда қилинг, стерилланган асбоблардан фойдаланинг
- Бегона одамларнинг қонига тегишдан сақланинг
- Бошқа одамларнинг устаралари, тиш ювиш чўткалари ва бошқа гигиена воситаларидан фойдаланманг ва ўзингизникини ҳам бошкаларга берманг.



Россияда қонуний яшаш ҳуқуқига эга бўлиш учун, ҳар бир чет элик тиббий кўриқдан, шу жумладан ОИВ инфекцияси текширувидан ўтиши керак. Агар у одамда ОИВ инфекцияси топилса, у Россияда қонуний яшай олмайди.

Зарур бўлганда дарҳол даволанишни бошлаш ва соғлиқни сақлаш учун, мунтазам тарзда (йилига камида бир марта) ОИВ-инфекцияси текширувидан ўтиб туриш керак. Агар ОИВ билан касалланган одам ўз вақтида дори-дармонларни қабул қилиб турса, у соғлиги ва иш қобилиятини сақлаб туради ва инфекцияни бошқа одамга юқтирмайди.



Региональная
экспертная группа
по здоровью мигрантов



**Ўз исмини сир сақлаган
ҳолда, аноним тарзда
таҳлил топшириш мумкин.**

**Телефон орқали
буни қандай қилиш
мумкинлигини билиб
олинг.**



+7 967 079-71-45

+7 915 452-83-92

+7 910 000-55-18

«Саломатликка қадам»

Бу ерда, ОИВ инфекцияси ҳақидаги саволларингизга жавоб беришади, ўзингизни қандай ҳимоя қилиш бўйича маслаҳатлар беришади ва қаерда ОИВ тестидан бепул ўтишингиз мумкинлигини айтишади:



**ҚАНДАЙ ҚИЛИБ
ЎЗИНГИЗНИ ОИВ
ДАН ҲИМОЯ
ҚИЛИШИНГИЗ
МУМКИН?**